
Ахборот кутубхона марказида олий таълим муассасалари томонидан мактаб битирувчилари учун кўргазмалар ташкил этилди.

Данғара тумани Ахборот кутубхона марказида олий таълим муассасалари томонидан мактаб битирувчилари учун кўргазмалар ташкил этилди.

Ушбу тадбир мактаб ўқувчиларининг олий таълимдаги имкониятларини аниқлашга ва уларнинг келажакдаги таълим йўналишларини танлашларига ёрдам бериш мақсадида ташкил этилди. Кўргазмаларда турли олий таълим муассасалари ўзига хос таълим дастурлари, ижтимоий лойиҳа ва изланишларини тақдим этишди.

Ўқувчилар учун мутахассислар билан бевосита суҳбатлашиш, олий таълим дастурлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш ва келажакдаги касбий йўналишларини аниқлаш бўйича имконият яратилди.

2024-12-19 17:01:16